



Самарқанд вилоят кўп  
тармоқли тиббиёт маркази  
бош врачи:  
Л.С.Махмонов

**Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази беморларга тайёр иссиқ овқат етказиб бериш учун корхона муассасаларнинг танловга қатнашиш учун**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ:**

- Иссиқ овқат етказиб берувчи ташкилот муассасада ишлаётган ходимларни, мутахассисларни иш билан таъминлаши ходимларнинг иш стажлари камидаги З йил булиши, иссиқ овқатларни сифатли ҳалол покиза, қилиб тайёрлаб берилиши шарт.
- Молиявий имкониятларга шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, хуқуқий лаёқати ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлиши шарт,
- Иссиқ овқат етказиб берувчи корхона ва муассасалар Давлат реестридан рўйхатдан ўтган гувохномага эга бўлиши шарт,
- Иштирокчилар шартнома тузиш учун қонуний хуқуқга эга эканлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмасли, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрида қайд этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.
- Иштирокчилар томонидан берилган тијорат таклифлари комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади. 2021 йил 22 апрелдаги №684 – сонли конунинг

**7. Боб Энг яхши таклифларни танлаш**

56 - моддасига асосан ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади. Комиссия аъзоларининг энг арzon таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш хизмат курсатувчи иштирокчи танланиши мумкин ғолиб деб топилган иштирокчи шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуки захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин. Шартнома имзолангандан сунг ойма – ой 30% олдиндан тўлов амалга оширилади. Қолган 70% иш яқунланиб иш хажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади.

- Ижрочилар билан ҳисоб- китоб миллий валютамиз сўмда тўлов амалга оширади.
- Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тилда тайёрланиши керак.
- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.
- Хизматнинг ҳар бир имтиёзли bemor учун кунлик 4 маҳал иссиқ овқат юқори нархи 15 620 сўм

Танловга қўйилган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нархи қўшилган қиймат солиғи билан ёки қўшилган қиймат солигисиз. Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: хар ой якунига қадар

Тузиладиган шартноманинг амал қилиш муддати: 31 декабр 2022 йил

**Манзил: Самарқанд шаҳар Мирзо Улуғбек кўчаси 70 уй**

Танлов ташкил этиш ва ўтказиш учун маъсул шахс: Бош врачнинг даволаш ишлари буйича муовини: Каримов Тулкин Неъматович



**Самарқанд вилоят қўп тармоқли тиббиёт маркази беморларга тайёр иссиқ овқат етказиб бериш Аутсорсинг хизмати.**